I. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 25291 тани ташкил қилиб, шундан 24703 таси ёки 97,7 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 5968 та (23,6 фоизи), қишлоқ,ўрмон ва балиқ хўжалиги 3378 та (13,4 фоизи), саноат 3336 та (13,2 фоизи), қурилиш 3101 та (12,3 фоизи), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 1147 та (4,5 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

Рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича тақсимланади
(2019 йил 1 октябрь ҳолатига)

	Рўйхатга олинганлар		***Фаолият кўрсатаётганлар***	
	бирлик	***якунга нисбатан фоизда***	***бирлик***	***якунга нисбатан фоизда***
Жами	**25291**	**100,0**	**24703**	**100,0**
шу жумладан:				
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	3378	13,4	3267	13,2
Саноат	3336	13,2	3279	13,3
Қурилиш	3101	12,3	3033	12,3
Савдо	5968	23,6	5835	23,6
Ташиш ва сақлаш	878	3,5	857	3,5
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1147	4,5	1118	4,5
Ахборот ва алоқа	290	1,1	279	1,1
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	590	2,3	583	2,4
Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	6603	26,1	6452	26,1

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 87,3 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 38,9 фоизи хусусий корхоналар, 0,8 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,2 фоизи акциядорлик жамиятлари, 60,1 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади

(умумий сонига нисбатан фоизда)

2019 йил январь-сентябрда жами 4543 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари 4198 та). Уларнинг асосий қисми Қарши шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 19,2 фоиз), Қарши (8,6 фоиз), Чироқчи (8,0 фоиз), Касби (6,9 фоиз) туманларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 30,7 фоизи савдода, 23,0 фоизи саноатда, 17,5 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 800 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 168 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 21,0 %) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

Рўйхатга олинган юридик шахсларни мулкчилик шакллари бўйича тақсимлаш
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) бирликда

	Жами, бирлик	*давлат*	*нодавлат*	*шундан хусусий*
Вилоят бўйича:	**25291**	**3210**	**22081**	**8594**
шаҳарлар:				
Қарши	5289	415	4874	1201
Шаҳрисабз	1612	166	1446	718
туманлар:				
Ғузор	1155	189	966	427
Деҳқонобод	1211	181	1030	781
Қамаши	1659	220	1439	645
Қарши	1977	192	1785	729
Косон	2008	257	1751	481
Китоб	1722	241	1481	822
Миришкор	847	143	704	192
Муборак	920	109	811	183
Нишон	942	133	809	317
Касби	1025	169	856	330
Чироқчи	2019	332	1687	679
Шаҳрисабз	1210	216	994	390
Яккабоғ	1695	247	1448	699

Корхона ва ташкилотлар сони
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

	2019 йил 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган	*2019 йил январь-сентябрь ойларида*	
		ташкил топди	*тугатилди*
Вилоят бўйича:	**25291**	**4543**	**800**
шаҳарлар:			
Қарши	5289	871	266
Шаҳрисабз	1612	293	33
туманлар:			
Ғузор	1155	186	8
Деҳқонобод	1211	175	28
Қамаши	1659	279	34
Қарши	1977	392	38
Косон	2008	263	64
Китоб	1722	281	57
Миришкор	847	223	33
Муборак	920	133	32
Нишон	942	189	17
Касби	1025	315	47
Чироқчи	2019	362	69
Шаҳрисабз	1210	289	30
Яккабоғ	1695	292	44

2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида хорижий капитал иштирокидаги рўйхатдан ўтган янги корхоналарнинг сони 87 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 71 тага кўпайган ёки 5,0 мартага ошган.

Бунда, Хитой Халқ Республикаси резидентлари капитали иштирокида 10 та, Россия Федерацияси 10 та, Афғонистон 9 та, Қозоғистон Республикаси 9 та, Туркия Республикаси 8 та, Эрон Ислом Республикаси 7 та, Ҳиндистон Республикаси 4 та, Миср Араб Республикаси 4 та, Жанубий Корея 4 та ва бошқа давлатлар ҳамкорлигида 22 та корхоналар рўйхатдан ўтган. Шунингдек, 2019 йилда Украина ва бошқа давлатлар резидентлари қўшма фаолиятга қизиқиш билдирдилар.

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг давлатлар кесимидаги сони

(2019 йил январь-сентябрь ҳолатига)

(бирликда)



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 25 сентябрдаги "Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 274-сонли қарорига мувофиқ тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан тақдим этилган билдиришномага асосан Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри базаси юритилади.

Агар фаолият юритаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари кесимида ушбу маълумотлани 2019 йил 1 октябрь ҳолатига кўрсак энг кўп саноатда 99 та (55,6 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 27 та (15,2 %) ҳамда савдода 20 та (11,2 %), қурилиш ҳамда яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда мос равишда 9 та (5,1 %) ташкил қилган. Энг камлари эса ахборот ва алоқада 3 та (1,7 %), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда 2 та (1,1 %) ташкил қилган. Шундан кўриниб турибдики, фаолият юритадиган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми саноат ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги фаолият турига тўғри келаркан. Шунингдек, энг кам улуши эса ахборот ва алоқада, ташиш ва сақлаш фаолият турларига тўғри келади.

Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби, фоизда

Оилавий корхоналар сони

Қашқадарё вилояти бўйича жами юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони 2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига 1148 тани ташкил этиб, улардан 1124 таси ёки 97,9 % фаолият юритади. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан рўйхатдан ўтганлар ҳамда фаолият кўрсатаётганларнинг умумий сонини ўртача 58,2 % га ошган.

Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар, *бирликда*



Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида қаралганда оилавий корхоналарнинг 354 таси 31,5 % саноат, 228 таси 20,3 % яшаш ва овқатланиш хизматлари, 209 таси 18,6 % савдо, 184 таси 16,4 % қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 33 таси 2,9 % соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 18 таси 1,6 % қурилиш, 9 таси 0,8 % ташиш ва сақлаш, 6 таси 0,5 % ахборот ва алоқа ҳамда 83 таси 7,4 % бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби, *фоизда*



Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар иқтисодий фаолият турлари бўйича юқори улушга эга бўлганлари саноат (жами улушга нисбатан 31,5 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (20,3 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (16,4 %), ҳамда савдо (18,6 %), соҳаларига тўғри келади.

Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, *бирликда*

Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган жами 19769 та кичик корхона ва микрофирмаларнинг 5803 таси (29,4 %)–савдода, 3238 таси (16,4 %)–саноат, 3230 таси (16,3 %)-қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 3010 таси (15,2 %)–қурилиш, 1103 таси (5,6 %)–яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида, 836 таси (4,2 %)–ташиш ва сақлашда, 438 таси (2,2 %)–соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда, 273 таси (1,4 %)–ахборот ва алоқа соҳасида, шунингдек 1838 таси (9,8 %)–бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади. Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми савдо ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги фаолият турларига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ҳамда ахборот ва алоқа соҳасида тўғри келади.

Фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби, *фоизда*

(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)



Қашқадарё вилоятида иқтисодий фаолият турлари бўйича жами фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан 29,4 % савдо соҳасида, 16,4 % саноат соҳасида, 16,3 % қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 15,2 % қурилиш соҳасида, 5,6 % яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 4,2 % юк ташиш ва сақлаш, 2,2 % соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда, 1,4 % ахборот ва алоқа ва 9,3 % бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келади.